

Ўзбекистон Республикаси Сўв хўжалиги вазирлиги

Жамоатчилик кенгаши

2024 й 57/01-16
3.04

Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазири
Ш.Хамраевга

Хурматли Шавкат Рахимович,

Кейинги йилларда республикамызда жамоатчилик назоратини кучайтириш ва халқ билан давлат органларини яқинлаштиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

2018 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинганлиги ва шунга оид Президент қарори ҳамда вазирликнинг 2020 йил 20 апрелда “Жамоатчилик кенгаши фаолиятини янада такомиллаштириш ҳақида”ги 108-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда барча Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларида тегишли буйруқлар чиқарилиб, жамоатчилик кенгашлари ташкил қилинди.

Жамоатчилик кенгашларини ташкил қилишдан асосий мақсад, сув хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган барча даражадаги ходимларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, фуқаролар, жамият ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлигини ўрнатиш, бошқарма ва тизим ташкилотларидаги ташкилотларни фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришдир, бу эса ташкилотлар зиммасига кўйилган вазифаларни ходимлар фаол иштироки асосида бажарилишига мўлжалланган.

Жамоатчилик ташкилотлари 2023 йилда ўз иш фаолиятларини аввалдан тузилган режалар асосида олиб бордилар.

Жамоатчилик кенгашларининг иш фаолиятини янада яхшилаш мақсадида барча ташкилот раҳбарларига жамоатчилик кенгаши, раҳбар билан ходимлар ўртасида кўприк вазифасини бажарилиши зарурлиги кенгаш аъзоларига тушинтириб берилди. Кенгаш аъзолигига тизимда катта обрўэътиборга эга бўлган тажрибали кишилар сайланганлиги туфайли, 2023 йилда барча ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг жамоатчилик кенгаши аъзолари бир мунча ибратли ишларнинг амалга оширилганлиги уларнинг вазирлик жамоатчилик кенгашига тақдим қилган ҳисоботларидан маълум бўлмоқда.

Ҳисоботларда бир йил давомида амалга оширилган ишлар кўрсатилиб берилган:

Вилоят, туман сув хўжалигида кўп йиллар меҳнат қилиб ходимлар уларни нафақага қузатиш, хотин-кизларни байрам кунлари ва бошқа тадбирларни ўтказаяётганда уларга қиммат баҳо совғалар ва пул маблағлари тақдим қилинмоқда.

Жамоатчилик кенгаши касаба уюшмаси билан ҳамкорликда ходимларни соғлиғини тиклаш мақсадида санаторийларга бепул йўлланмалар олиб бериш, гуруҳ бўлиб туристик саёҳатларга, республикамиздаги зиёрат жойларига, Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Хива шаҳарларига саёҳат қилишни ташкил этишга эътибор қаратаётганларини жамоатчилик кенгашларининг ҳисоботларида кўрсатиб ўтганлар. Жумладан: Ватан ҳимоячилари, Давлат тили, “Қишлоқ аёллари” кунлари юқори руҳда байрам қилинмоқда ва уларга қимматбаҳо совғалар берилиб, байрам дастурхонлари ташкил қилинмоқда.

Хорижий тилларни ўрганаётган сув хўжалиги ходимларига яратиб берилаётган шароитлар кўрсатилиб ўтилмоқда.

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ва туман ирригация бўлимларида ишлаб, нафақага чиқиб дам олаётган ходимларни уйларига бориб ҳол-аҳвол сўраб келиш ишлари ташкил қилинган. Уларнинг шикоятлари бўлса тинглаб, имконият даражасида ҳал қилаётганларини таъкидлаб ўтганлар. Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси раҳбарияти, жамоатчилик кенгаши ва касаба уюшмаси таклифлари асосида ишчи ходимларни уй билан таъминлаш мақсадида 0,65 га ер майдони ажратиб 5 қаватли, 75 хонадонлик уй қуриш учун зарур ҳужжатлар тайёрлаб қўйилган, қурилиш ишлари яқин кунларда бошланади.

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг матбуот хизмати ходимлари томонидан 2023 йилда оммавий ахборот воситаларида ва телеграмм каналларида, телевидение ва радиода кўплаб чиқишлар ташкил қилинган соҳа фаолияти ҳақида видео лавҳалар ва кўрсатувлар намойиш этиб келинаёпти.

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларида коррупцияга қарши курашиш борасида ташкилотнинг юристлари бошчилигида давра суҳбатлари ўтказилаётгани, ходимлар ўртасида коррупциянинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Сув хўжалиги тасарруфида хизмат қилаётган ходимларни тизимли равишда фикри ва мулоҳазалари ўрганиб борилмоқда ҳамда жамоатчиликни ташвишга солаётган долзарб масалалар ечимини топиш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлашга ҳам эътибор берилмоқда.

Эътироф этиш лозимки, Жамоатчилик кенгашининг ташкил қилинганлиги, соҳа фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича янги тизим яратилди, айниқса, жамоатчилик фикрини ўрганиш ва раҳбариятга тегишли таклифлар киритишда, жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда соҳадаги камчиликларни бартараф қилишга қаратилаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Хурматли Шавкат Рахимович,

Жойларга бориб танишганимизда ва бизга тақдим қилинаётган ҳисоботлардан маълум бўлишича, Наманган, Фарғона, Тошкент вилоятларининг ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларида Жамоатчилик кенгаши ишларини ташкил қилиш етарли даражада эмаслигини кўрсатиб ўтишни лозим топдик.

Мълумот учун тақдим қилинмоқда.

**Вазирлик Жамоатчилик
Кенгаши раиси**



Л. Мухамедназаров